

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМИРАЕВ УРАЛ ҚАХРАМОНОВИЧНИНГ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ МИНТАҚАЛАРИДА  
КАРТОШКАНИНГ ФИТОФТОРОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Хамираев Урал Қахрамонович**

Ўзбекистоннинг марказий минтақаларида картошканинг фитифтороз касаллиги ва унга қарши кураш чораларини такомиллаштириш ..... 3

**Хамираев Урал Қахрамонович**

Фитифтороз картофеля в центральных регионах Узбекистана и совершенствование мер борьбы с ним ..... 17

**Хамираев Урал Қахрамонович**

Potato phytophthora late blight disease in the central regions of uzbekistan and improving of control measures against them..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМИРАЕВ УРАЛ ҚАХРАМОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ МИНТАҚАЛАРИДА  
КАРТОШҚАНИНГ ФИТОФТОРОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Рахимов Учқун Хамроевич</b> биология фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Юсупов Абдисалим Холбоевич</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Хўжаев Отабек Темирович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 - рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «09» 04, соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй Тел: (+99871) 260-48-00 Факс: (99871) 260-38-60 e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, университет кўчаси 2 - уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 340-40-70 Факс: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «26» 03 кuni таркатилди.

(2022 йил «26» 03 даги 1 -рақамли реестр баённомаси).

  
Д.А.Қодирова,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., доцент

  
Н.И.Шадиева,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий хотиби, б.ф.д., катта илмий ходим

  
Х.М.Шукуров,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.ф.д. катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича етиштирилаётган экинларнинг асосий қисмини картошка ўсимлиги ташкил этади. Картошка ўсимлигининг (*Solanum tuberosum* L.) илдиз мевалари асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда 150 дан ортиқ мамлакатларда жами 19,5 млн. гектар майдонга экилмоқда. ФАО маълумотларига кўра, 2020 йилда картошка ҳосилдорлиги 437 307 999 тоннани ташкил қилган<sup>1</sup>. Картошка Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия ва Бангладеш давлатларида катта майдонларга экиб етиштирилади. Ушбу мамлакатларда ҳар йили касалликлар таъсирида ҳосилнинг 11,6% йўқотилади ёки 3,4 миллиард доллар иқтисодий зарар кўрилади<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда картошка етиштириладиган мамлакатлар орасида катта иқтисодий зарар етказадиган касалликлар қаторидан ўрин олган фитофтороз касаллиги ҳосилнинг сифатига ва миқдорига салбий таъсири билан ажралиб туради. Зарарнинг олдини олишда картошкада касалликнинг тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш, иқтисодий зарар миқдор мезонига асосланган ҳолда кураш усулларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда «USDA ARS Horticultural Crops Research, ВНИИФ ва Польша боғдорчилик илмий тадқиқот институти» марказларида картошка фитофтороз касаллиги кўзгатувчиси *Phytophthora infestans* турининг эпидемиологияси, генетикаси ва эволюцияси бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бунинг натижасида фитофтороз касаллигининг картошка ҳосилига етказадиган зарарини камайтиришга эришилган. Картошкани фитофтороз касаллигига қарши курашишнинг замонавий самарали усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалиши, ривожланиши ва етказадиган зарарини камайтириш ҳамда унга қарши илмий асосланган кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш»<sup>2</sup> картошка етиштириш кўламини ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб қувватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги ПҚ-4704-сон «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

<sup>2</sup> <https://glavagronom.ru/articles/TOP-gribnyh-i-bakterialnyh-boleznej-kartofelya>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Картошканинг фитофтороз касаллиги бўйича дунёда бир қанча олимлар Германияда А. де Бари, АҚШ да Никлаус Грюнвальд, Аманда Гевенс, Польшада А.Хаверкорт, П.Струик, Ф.Виссер, Э.Якобсен, Россияда А.Ячевский, Н.Наумова, А.Филиппов, М.Кузнецова, Белоруссияда В.Иваняк, Қозоғистонда А.Нурмагамедовлар кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Республикада картошканинг фитофтороз касаллиги ҳақида 1974 йилда М.Н.Запрометов маълумот берган, аммо ушбу касаллик бўйича алоҳида илмий-тадқиқотлар деярли олиб борилмаган. Шу сабабли картошкада фитофтороз касаллигининг тарқалиши, ривожланиши ва келтирадиган зарари ҳамда унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2.7 «Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши атроф-муҳитга зарарсиз кураш чораларини ишлаб чиқиш мавзуси доирасида бажарилган» (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистоннинг марказий минтақаларида картошкада фитофтороз касаллигининг тарқалиши, ривожланиши, келтирадиган зарари ва патогеннинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда унга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитларида етиштирилаётган картошкада фитофтороз касаллигининг тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш;

зарарланган картошка ўсимлигидан лаборатория шароитида касаллик қўзғатувчи замбуруғни соф культурасини ажратиб олиш, унинг тур таркибини ва биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

лаборатория шароитида касаллик қўзғатувчи замбуруғ колониялари ўсишини аниқлаш;

касаллик қўзғатувчи замбуруғ ривожланишига қарши лаборатория шароитида турли сарф-меъёردа фунгицидларни синовдан ўтказиш;

фитофтороз касаллигидан кимёвий ва биологик химоя қилишда фунгицидларни қўллаш регламентини белгилаш;

касалликка қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иктисодий самарадорликларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитларидаги фермер хўжаликлари далаларида етиштирилаётган картошка (*Solanum tuberosum* L.) ўсимлигининг районлаштирилган «Розара»,

«Санте», «Пикассо», «Акраб» ва «Романо» навларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот предмети** Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитларидаги картошка етиштирилаётган далаларда фитофтороз касаллигини кўзгатувчи замбуруғ турининг культурал-морфологик, биологик, экологик хусусиятлари, тарқалиш қонуниятлари, етказадиган зарари ҳамда ушбу касалликка қарши қўлланилган воситаларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Картошкада фитофтороз касаллигининг тарқалиши М.И.Дементьева, А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова; ривожланиши А.Е.Чумаков ҳамда зарари А.Е.Чумаков, Т.И.Захаровалар усулларида аниқланди. Касалланган ўсимлик аъзоларидан гербарийлар тайёрлаш ҳамда замбуруғларнинг тур таркиби ва биологик хусусиятларини ўрганишда М.К.Хохряков, Т.Л.Доброзракова, К.М.Степанов, Н.М.Пидопличко, К.Кирай, З.Каменский, В.И.Билай, В.И.Дудка ва С.Вассер усулларида фойдаланилди. *P. infestans* замбуруғининг фитотоксик хусусиятлари О.А.Берестецкий ва В.Ф.Патыка; патогенлиги В.И.Билай; касалликка қарши фунгицидларни қўллаш, биологик ва иқтисодий самарадорликлари М.И.Дементьева, Ш.Т.Хўжаев ва А.Ф.Ченкин усулларида аниқланди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор картошкада фитофтороз касаллигини кўзгатувчи *Phytophthora infestans* замбуруғ турининг 30 дан ортиқ штаммларининг соф культуралари лаборатория шароитида ажратиб олинган;

*P. infestans* замбуруғининг тур таркиби ва айрим биологик хусусиятлари аниқланди ҳамда замбуруғ колонияларининг 18-20°C ҳароратда яхши ўсиши аниқланган;

лаборатория шароитида фитофтороз касаллигини кўзгатувчи *P. infestans* замбуруғига қарши синовдан ўтказилган Антракол 70% н.кук., Банджо Форте сус.к., Мерит 32,5% с.э. ва Фосфогард 400 г/л. с.э.к. фунгицидлари юқори самара кўрсатган, бунда замбуруғ колонияларининг ўсиши 4 мм дан 6 мм гача чекланганлиги исботланган;

фитофтороз касаллигига қарши ўсимликнинг ўсув даврида фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган ҳамда Антракол 70% н.кук. (2,0 кг/га) ва Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га) фунгицидлари билан кимёвий ишлов берилганда 71,6% дан 82,1% гача биологик самарадорликка эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитида картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалиши, ривожланиши ва зарари аниқланган. Бунда касалликнинг тарқалиши Тошкент вилоятида 14,8% дан 58,3% гача ва Самарқанд вилоятида 21,2% дан 38,0% гачани ташкил этган;

картошка ўсимлигини фитофтороз касаллигидан кимёвий ва биологик химоя қилишда фунгицидларни қўллаш регламенти белгиланди. Фитофтороз касаллигига қарши Антракол 70% н.кук. (2,0 кг/га), Танос 50% с.д.г. ва Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га) фунгицидлари ишчи эритмаларини ўсимлик ўсув даврида қўллаш ҳамда Органика Ф ( $10^8$  кхқб/мл.)

биопрепарати билан уруғлик туганакларга ишлов бериш тавсия этилган;

картошканинг фитофтороз касаллигига қарши қўлланилган юқори самарали препаратларнинг биологик ва иқтисодий самарадорликлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқотлар ўсимликларни химоя қилишда умум қабул қилинган усуллар асосида амалга оширилганлиги, хорижий ва маҳаллий давлатлар илм-фан ютуқлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар илмий-амалий жиҳатдан мослиги, дисперсион таҳлил қилинганлиги, олинган натижалар асосида тайёрланган йиллик ва якуний ҳисоботлар кафедра мажлисларида муҳокама этилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, олинган илмий ҳамда амалий натижалар республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лаборатория шароитида картошка ўсимлигида фитофтороз касаллигини кўзғатувчи *P. infestans* замбуруғи штамлари соф культурага ажратиб олиниб, унинг тури ва айрим биологик хусусиятлари ўрганилган ҳамда *P. infestans* замбуруғи колониялари ўсишига қарши фунгицидлар таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг марказий минтақаларида картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалиши ва ривожланиши ҳамда ушбу ҳудудларда районлаштирилган навларнинг касалликларга чидамлилиги аниқланганлиги, шунингдек, картошкада замбуруғ кўзғатадиган фитофтороз касаллигига қарши ўсимликни ўсув даврида Антрокол 70% н.кук. ва Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. фунгицидлари ҳамда уруғлик туганакларга Оргамика Ф биопрепарати қўлланилса юқори биологик самара бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент ва Самарқанд вилоятлари шароитларида етиштирилаётган картошканинг фитофтороз касаллигига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

картошка ўсимлигининг фитофтороз касаллигига қарши Антрокол 70% н.кук. (2,0 кг/га) фунгициди ишчи эритмасини ўсимлик ўсув даврида қўллаш бўйича белгиланган регламент Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида жами 47 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 02/025-3634-сон маълумотномаси). Натижада картошка далаларида назорат вариантга нисбатан ушбу фунгицид билан кимёвий ишлов ўтказилган вариантда бир гектар майдонда 95 центнергача ҳосил фитофтороз касаллигидан сақлаб қолинган ҳамда фунгициднинг биологик самарадорлиги 80,9% ни ташкил этган;

картошканинг уруғлик туганакларини фитофтороз касаллигига қарши Оргамика Ф ( $10^8$  кхқб/мл.) биопрепарати билан  $10^8$  кхқб/мл титрли суспензияда дорилаб экиш технологияси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 15 гектар майдонга тадбиқ этилган (Қишлоқ



хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 02/025-3634-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар майдонда 78,0 центнергача ҳосил сақлаб қолинган ва сарфланган 1 сўм 1,9 марта қайтарилган ҳамда рентабеллик даражаси 19,8% ва биопрепаратнинг биологик самарадорлиги 78,4% гачани ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалиёт натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Картошканинг халқ хўжалигидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишларининг натижалари ўрганилиб, картошкада фитифтороз касаллигининг ўрганилганлик даражаси, касалликнинг тарқалиши, зарари, кўзғатувчиси ва унинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда бу касалликка қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Картошкада фитифтороз касаллигининг тарқалиши М.И.Дементьева, А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова; ривожланиши А.Е.Чумаков ҳамда зарари А.Е.Чумаков, Т.И.Захаровалар усулларида аниқланган. Касалланган ўсимлик аъзоларидан гербарийлар тайёрлаш ҳамда замбуруғларнинг тур таркиби ва биологик хусусиятларини ўрганишда М.К.Хохряков, Т.Л.Доброзракова, К.М.Степанов, Н.М.Пидопличко, К.Кирай, З.Каменский, В.И.Билай, В.И.Дудка ва С.Вассер усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида Республиканинг марказий минтақалари шароитида картошкада

фитофтороз касаллигининг тарқалиши ва зарари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Касаллик қўзғатувчиси *P.infestans* замбуруғи эканлиги, у кейинги вақтда қишлоқ хўжалик экинларидан картошка ва помидорга катта зарар келтираётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалишини ўрганиш учун Тошкент вилоятининг айрим туманларида 2016-2019 йилларда тадқиқотлар олиб борилган.

Кузатиш ишлари натижасида 2016 йилда «Жасурбек Сарварбек» фермер хўжалигида етиштирилган картошканинг «Пикассо» навида фитофторознинг тарқалиши 47,0%, «Рамазон агрофайз» фермер хўжалигидаги картошканинг «Романо» навида эса 58,0% гача касалланганлиги аниқланган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тошкент вилояти шароитида картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалиши ва зарари (Жасурбек Сарварбек ф/х)

2016 йил

Туманлар	Хўжаликлар номи	Кузатиш вақти	Навлар	Касаллик тарқалиши, %	Касаллик ривожланиши, %	Ўсимликнинг битта поясининг узунлиги, см.		Соғлом ўсимликка nisбатан касал ўсимлик пояси ўсишининг орқада қолиши, см
						соғлом	касал	
Тошкент	Меҳнат МЧЖ даласи	Туганак хосил бўлиш даври	Розаро	34,0	29,5	72,2	53,9	18,3
Юқори Чирчиқ	Жасурбек Сарварбек ф/х		Пикассо	47,0	31,2	65,6	43,8	21,8
	Рамазон агрофайз ф/х		Романо	58,0	34,5	70,3	44,6	25,7
Қибрай	Истиқлол оила бирлиги ф/х		Романо	41,3	33,4	66,4	43,8	22,6
	ТДАУ нинг Инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази ДУК		Диамант	42,0	32,0	68,4	43,1	25,3

ЭКФ<sub>05</sub>=

1,8

Қибрай туманида жойлашган ТошДАУ нинг «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази» ДУК да етиштирилган картошканинг «Диамант» навида ва «Истиклол оила бирлиги» фермер хўжалигидаги «Романо» навида фитофторознинг тарқалиши 42,0% ва 41,3% ни ташкил қилган. Соғлом ва касалланган картошка ўсимлиги поялари узунлиги ўлчаб кўрилганда улар орасидаги фарқлар аниқланган.

2018 йилда олинган маълумотларга кўра, тўртта фермер хўжаликларида етиштирилаётган картошка навларининг фитофтороз билан зарарланган ўсимликлар поясининг узунлиги соғлом ўсимликлар поясига нисбатан 11,4-29,6 см қисқа бўлганлиги аниқланган.

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг айрим туманларида 2017-2018 йилларда фитофтороз касаллигининг тарқалишини ўрганиш учун тадқиқот ишлари олиб борилган. «Фарангиз нурли замин» фермер хўжалигида олиб борилган кузатишларда картошканинг «Розара» навининг гуллаш фазасида касал ўсимлик поясининг соғломига нисбатан орқада қолиши 31,2% ни, поянинг оғирлиги эса соғломига нисбатан 40,5% га камайиши кузатилган. Туганак ҳосил қилиш даврида эса касалликнинг тарқалиши 34,5%, ривожланиши 22,0%, касал ўсимлик поясининг соғломига нисбатан орқада қолиши 23,8% ни, поянинг оғирлиги соғломига нисбатан 36,8% га камайиши кузатилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Картошканинг гуллаш ва туганак ҳосил қилиш даврида фитофтороз касаллигининг зарари

(Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, «Фарангиз Нурли замин» фермер хўжалиги, картошканинг «Розара» нави, 2017 йил)


Касаллик-нинг тарқалиши, %	Касаллик-нинг ривожланиши, %	Поянинг узунлиги, см.		Касал ўсимлик поясининг соғломига нисбатан орқада қолиши, %	Поянинг оғирлиги, г.		Касал ўсимлик поясининг соғломига нисбатан камайиши, %
		соғлом	касал		соғлом	касал	
<b>гуллаш фазасида</b>							
21,2	16,4	70,1	48,2	31,2	237,0	141,0	40,5
<b>туганак ҳосил қилиш даврида</b>							
34,5	22,0	75,3	57,4	23,8	242,0	153,0	36,8

Диссертациянинг «*P. infestans* замбуруғининг айрим биологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида, *P. infestans* замбуруғининг соф культураси ажратилган, патогеннинг инфекция манбалари, морфокультурал белгилари, уларга таъсир қилувчи ташқи муҳит омиллари, уларнинг фитотоксик ва патогенлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

*P. infestans* замбуруғининг ҳар хил озика муҳитларида ва турли ҳароратларда ўсиши ҳамда ривожланиши ўрганилганда, *P. infestans* нинг энг

яхши ўсиши ва ривожланиши глюкозали агарли озиқа муҳитида кузатилди. Қулай ҳарорат эса 18-20°C эканлиги аниқлаган.

Картошка навларидан ажратилган *P. infestans* замбуруғи штаммлари орасидан «Ақраб» навидан ажратилган 33, «Розара» навидан ажратилган 4, «Романо» навидан ажратилган 45 ва «Латона» навидан ажратилган 48 штаммлар энг фаол эканлиги аниқланган (1-расм).



**1-расм. Картошканинг турли навларидан ажратилган *P. infestans* замбуруғи штаммларининг патогенлик хусусияти.**


(Лаборатория тажрибаси, ТошДАУ «Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси ва агробиотехнологияси» кафедрасида олиб борилди. 2018 й.)

Диссертациянинг «Картошканинг фитофтороз касаллигига қарши кураш чоралари» деб номланган бешинчи бобида, картошканинг фитофтороз касаллигига қарши кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги фермер хўжаликлари далаларида амалга оширилган.

Касалликка қарши вегетация даврида Антракол 70% н.кук., Банджо Форте сус.к., Мэрит 32,5% с.э., Фосфогард 400 г/л.с.э.к., ҳамда андоза сифатида Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. фунгициди қўлланилган.

Фитофтороз касаллигига қарши Антракол 70% н.кук., препарати 1,5 ва 2 кг/га меъёрида қўлланилган. Натижада биологик самарадорлик Антракол 70% н.кук. 2 кг/га қўлланилган вариантда энг юқори натижани кўрсатган. Касаллик билан зарарланиш 15 кундан сўнг 0,5 балл, 30 кундан сўнг 1,0 балл ва 45 кундан сўнг 0,75 баллни ташкил этган (2-расм).



## 2-расм. Картошканинг фитофтороз касаллиги билан зарарланиши.

(Дала тажрибаси. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Рамазон Агро Файз» ф/х, «Жасурбек Сарварбек» ф/х, 22.05.2018 й.)

Андоза сифатида қўлланилган Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. препарати билан 2,5 кг/га нормада ишлов берилган вариантда 15 кундан сўнг касаллик билан зарарланиш баргларда 1,0 балл, 30 кундан сўнг 1,25 балл ва 45 кундан сўнг 1,25 балл ни ташкил этган. Фитофтороз билан энг кўп зарарланиш Фосфогард 400 г/л. с.э.к. фунгициди билан 4 л/га нормада ишлов берилган вариантда намоён бўлган. Жумладан, картошка баргларида касаллик билан зарарланиш 15 кундан сўнг 1,75 балл, 30 кундан сўнг 2,5 балл ва 45 кундан сўнг 3,25 баллни ташкил этган. Ишлов берилмаган назорат вариантыда эса зарарланиш энг кўп кузатилган, картошка баргларида зарарланиш 15 кундан сўнг 3,5 балл, 30 кундан сўнг 3,75 балл ва 45 кундан сўнг 4,0 баллгача кузатилган.

Фитофтороз касаллигига қарши уруғлик картошка туганакларини экишдан олдин дорилаш дала тажрибалари Юқори Чирчиқ туманидаги «Рамазон Агро Файз» ҳамда «Жасурбек Сарварбек» фермер хўжалиги далаларида 2018 ва 2019 йилларда ўтказилган. Тажриба айнан бу

хўжаликларда ўтказилишига асосий сабаб, тадқиқот ўтказилган бошқа хўжаликларга нисбатан бу хўжаликларда картошканинг фитофтороз касаллиги билан кўпроқ зарарланганлиги, яъни касаллик қўзғатувчи *P. infestans* замбуруғининг табиий инфекцион фони мавжуд эканлиги исботланган.

Дала тажрибалари Республикамизнинг марказий минтақаларида етиштириладиган картошка навларида ўтказилган.

Дала тажрибаларида картошканинг уруғлик туганаклари Оргамика Ф биопрепаратининг  $10^8$  кхқб/мл титрли суспензиясида 24 соат ивителиб экилган. Назорат вариантыда сувда ивителинган уруғлик туганаклар ҳамда андоза сифатида Максим XL 035 FS 3,5% сус.к. уруғдорлагич фунгициди 4 л/т сарф-меъёрида қўлланилган.

### 3-жадвал

#### Фитофтороз касаллигига қарши картошканинг уруғлик туганакларига «Оргамика Ф» биопрепаратининг таъсири

Тажриба вариантлари	Препарат сарф-меъёри	Йиллар бўйича касалликнинг тарқалиши, %	
		2018	2019
Назорат – сувда ивителинган	-	15,8	16,2
Оргамика Ф	$10^4$ титри, кхқб/мл.	6,5	6,8
Оргамика Ф	$10^8$ титри, кхқб/мл.	3,8	3,5
Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. (андоза)	4 л/т	6,4	6,6

ЭКФ<sub>05</sub>=

2,5

3-жадвалга назар солганда картошкада фитофтороз касаллигининг тарқалиши Оргамика Ф биопрепаратининг  $10^4$  кхқб/мл. титрли суспензияси билан ишлов берилган вариантда 6,5-6,8% ташкил этган.  $10^8$  кхқб/мл. титрли биопрепарат билан ишлов берилган вариантда эса фақат 3,5-3,8% ўсимликлар фитофтороз билан зарарланганлиги қайд этилган. Андоза вариантыда фитофтороз касаллигининг тарқалиши 6,4-6,6% ни, назорат вариантыда эса 15,8-16,2% ни ташкил этган.

Оргамика Ф биопрепарати картошканинг фитофтороз касаллиги билан фақат зарарланишини камайтирмасдан, балки униб чиққан ниҳолларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам таъсир қилган. Тажриба вариантларидан уруғлик туганакларни биопрепаратнинг  $10^8$  кхқб/мл суспензиясида ивителиш энг яхши кўрсаткични намоён қилиши қайд этилган.

Тадқиқотлар давомида фитофтороз касаллигига қарши Оргамика Ф биопрепаратининг биологик самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган (4-жадвал).

Жадвалдаги маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, бунда биопрепаратинг  $10^4$  кхқб/мл. титрли суспензияда ивителинган вариантда касалликнинг ривожланиши 9,8% ни ҳамда биологик самарадорлик 72,2%,  $10^8$  кхқб/мл. титрли суспензияда ивителинган вариантда эса касалликнинг ривожланиши 7,6%, биологик самарадорлик 78,4% ни ташкил этган.

Андоза вариантида касалликнинг ривожланиши 8,0% ни, биологик самарадорлик 77,3% ни ташкил этган. Назорат вариантида эса касаллик ривожланишининг ортиб бориши кузатилган.

#### 4-жадвал

### «Оргамика Ф» биопрепаратининг картошканинг фитофтороз касаллигига қарши биологик самарадорлиги

Тажриба вариантлари	Препарат сарф-меъёри	Касаллик ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %
Назорат	-	35,3	-
Оргамика Ф	10 <sup>4</sup> титри, кхқб/мл.	9,8	72,2
	10 <sup>8</sup> титри, кхқб/мл.	7,6	78,4
Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. (андоза)	4 л/г	8,0	77,3

ЭКФ<sub>05</sub>=

2,3

Изоҳ: кхқб/мл - колония ҳосил қилувчи бирлик/миллилитр

Диссертациянинг «Фитофтороз касаллигига қарши қўлланилган самарали препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида, картошканинг фитофтороз касаллигига қарши қўлланилган воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Картошканинг фитофтороз касаллигига қарши дала тажрибаларида қўлланилган фунгицидлардан Антракол 70% н.кук. фунгициди билан 2,0 кг/га меъёрда ишлов берилганда энг юқори иқтисодий самарадорликни кўрсатган. Жумладан, ҳосилдорлик 265,0 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 22 745 000 сўмни, рентабеллик эса 17,9% ни ташкил этган.

Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. фунгицидини 2,5 кг/га меъёрда қўлланилганда ҳосилдорлик 260 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 21 200 000 сўмни, рентабеллик эса 16,1% ни ташкил этган.

Картошканинг уруғлик туганаклари Оргамика Ф биопрепарати 10<sup>8</sup> кхқб/мл титрли суспензияда ишлов берилган вариантда препаратнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган. Бунда бир гектар майдонда 78 центнер ҳосил сақлаб қолинган, ушбу ҳосилдан иқтисодий самарадорлик 18,9 млн сўмни ташкил этган. Сарфланган бир сўм 1,9 мартагача оқланган. Рентабеллик даражаси 19,8% ни ташкил этган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Республиканинг марказий минтақалари шароитида картошканинг фитофтороз касаллигини тарқалиши, ривожланиши ва зарари аниқланган. Бунда касалликнинг тарқалиши Тошкент вилоятида 14,8% дан 58,3% гача ва Самарқандда 21,2% дан 38,0% гачани ташкил этган.

2. Картошканинг зарарланган аъзоларида фитофтороз касаллигини ривожланиши эса 12,7% дан 36,7% гача қайд этилган. Қўзғатувчи *P. infestans*

замбуруғи лаборатория шароитида ажратиб олиниб, унинг тур таркиби ва айрим биологик хусусиятлари ўрганилган. *P. infestans* замбуруғининг зооспоралари сули агар ва картошка-глюкозали агар озиқа муҳитларида 18-20°C ҳароратда энг яхши ўсиши ва ривожланиши исботланган.

3. Лаборатория шароитида *P. infestans* замбуруғининг 30 дан ортик штаммлари ажратиб олинган, улар орасида 4; 11; 27; 33; 45 ва 48-рақамдаги штаммлар энг агрессив эканлиги аниқланган.

4. Фитофтороз касаллиги таъсирида соғлом ўсимликка нисбатан касал ўсимлик пояси узунлиги 4,8% дан 37,7% гача қисқа бўлиши ҳамда бир туп ўсимликдаги картошка тугунаклари оғирлиги 37,4% дан 68,1% гача кам бўлиши исботланган.

5. *P. infestans* замбуруғига қарши лаборатория шароитида Антракол 70% н.кук., Банджо Форте сус.к., Мерит 32,5% с.э. ва Фосфогард 400 г/л. с.э.к. фунгицидлари юқори биологик самара кўрсатган. Бунда замбуруғ колониялари ўсиши 4 мм дан 6 мм гача чекланган.

6. Картошканинг фитофтороз касаллигига қарши ўсимликнинг ўсув даврида белгиланган муддат ва меъёрда Антракол 70% н.кук. (2,0 кг/га) ва Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га) фунгицидлари ҳамда уруғлик тугунаклари Оргамика Ф ( $10^8$  кхқб/мл) биопрепарати билан кимёвий ишлов берилганда 71,6% дан 82,1% гача биологик самарадорликка эришилган.

7. Картошканинг фитофтороз касаллигига қарши ўсимлик ўсув даврида Антракол 70% н.кук. (2,0 кг/га) ва Ридомил Голд 68% с.д.г. (2,5 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда энг юқори иқтисодий самарадорлик олинган. Бунда бир гектар майдондан 95,0 ц гача ҳосил касалликдан сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлик 21,2 млн сўмдан 22,7 млн сўмгачани ташкил этган. Сарфланган бир сўм 1,7 марта қайтарилган.

8. Картошканинг уруғлик тугунаклари Оргамика Ф биопрепарати  $10^8$  кхқб/мл титрли суспензияда ишлов берилганда иқтисодий самарадорлик юқори бўлган. Бунда бир гектар майдондан 78,0 ц гача ҳосил касалликдан сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлик 18,9 млн сўмни ташкил этган, 19,8% рентабелликка эришилган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАМИРАЕВ УРАЛ КАХРАМОНОВИЧ**

**ФИТОФТОРОЗ КАРТОФЕЛЯ В ЦЕНТРАЛЬНЫХ РЕГИОНАХ  
УЗБЕКИСТАНА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР БОРЬБЫ С НИМ**

**06.01.09 – «Защита растений»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/Qx310

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Рахимов Учкун Хамроевич  
кандидат биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Юсупов Абдисалим Холбоевич  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Хўжаев Отабек Темирович  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт овощных, бахчевых культур и картофелеводства

Защита диссертации состоится «09» 04 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 по присуждению учёных степеней при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, 2, тел. (+99871) 260-48-00 Факс: (99871) 260-38-60 e-mail: [ttag-info@edu.uz](mailto:ttag-info@edu.uz) Здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 1). (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, 2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел: (+99871) 340-40-70 Факс: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «26» 03 2022 года.

(реестр протокола рассылки номер 1 «26» 03 2022 года.)

  
Д.А.Кадирова  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., доцент

  
Н.И.Шадиева  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

  
Х.М.Шукуров  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., старший научный сотрудник



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из основных возделываемых в мире культур является картофель. Клубни картофеля (*Solanum tuberosum* L.) являются одним из основных продуктов питания, и в настоящее время его выращивают на площади 19,5 млн. га в более чем 150 странах. По данным ФАО в 2020 году урожайность картофеля составила 437 307 999 тонн<sup>3</sup>. Картофель на больших площадях выращивают в Китае, Индии, России, Украине, США, Германии и Бангладеш. В данных странах, из-за поражения болезнями, теряется 11,6% урожая или наносится экономический ущерб в 3,4 миллиарда долларов<sup>4</sup>. На сегодняшний день, в странах, возделывающих картофель, среди болезней, наносящих большой экономический урон, выделяется фитофтороз, оказывающий отрицательное влияние на качество и количество урожая. Для предотвращения наносимого вреда важное значение имеет определение распространения, вредоносности и развития болезни, проведения методов борьбы на основе количественного критерия экономического ущерба.

В мире в центрах «USDA ARS Horticultural Crops Research, ВНИИФ и Польском научно-исследовательском институте садоводства» проводились исследования по эпидемиологии, генетике и эволюции вида *Phytophthora infestans*, вызывающего болезнь фитофтороза картофеля. В результате этого достигнуто снижение вреда, наносимого фитофторозом урожаю картофеля. На сегодняшний день разработка современных эффективных методов борьбы против фитофтороза картофеля при борьбе с ним является одной из актуальных проблем.

В республике важное значение имеет изучение распространённости, развития фитофтороза картофеля, снижение наносимого им вреда, а также разработка научно обоснованных мер борьбы против него. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в разделе «...разработка и внедрение мер защиты растений от болезней и вредителей» отмечены приоритетные задачи по дальнейшей поддержке со стороны государства повышения объёма выращивания картофеля, расширения механизмов кластеров и коопераций в отрасли картофелеводства, а также внедрения современных технологий и полного удовлетворения потребностей внутреннего рынка к картофелю.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4704 от 6 мая 2020 года «О мерах по расширению производства картофеля и дальнейшему развитию картофельного семеноводства в республике», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование

<sup>3</sup> <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

<sup>4</sup> <https://glavagronom.ru/articles/TOP-gribnyh-i-bakterialnyh-boleznej-kartofelya>

выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В мире ряд учёных, в частности в Германии А. де Бари, в США Никлаус Грюнвальд, Аманда Гевенс, в Польше А.Хаверкорт, П.Струик, Ф.Виссер, Э.Якобсен, в России А.Ячевский, Н.Наумова, А.Филиппов, М.Кузнецова, в Белоруссии В.Иваняк, в Казахстане А.Нурмагамедов проводили широко масштабные научные исследования по изучению болезни фитофтороза картофеля.

В республике первые сведения о фитофторозе картофеля представил Запрометов в 1974 году, однако отдельные научные исследования по данной болезни практически не проводились. В этой связи, актуальным является проведение научных исследований по определению распространения, развития и вредоносности фитофтороза на картофеле, а также разработке мер борьбы против него.

